

# ЎЗБЕКЖИСТОН ОВОЗИ



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 8 июнь, пайшанба. №68 (21.831.) Сотувда эркин нархда.


## ЛАТВИЯ ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

6 июнь, Рига. (ЎзА махсус мухбири Фулом Мирзо хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлат ташрифи билан Латвия Республикаси пойтахти Рига шаҳрига келди. Ўзбекистон ва Латвия байроқлари билан безатилган Рига халқаро аэропортида Президент Ислам Каримовга Латвия Бош вазири Марис Гайлис пешвоз чиқди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди, икки давлат мадҳиялари янгради. Кутиб олиш маросиминда хоржий давлатларнинг Латвия Республикасидаги дипломатия вакиллари ҳозир бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари учун ажратилган Юрмала қароргоҳига йул олди. Рига қургонининг Оқ залида Президент Ислам Каримов билан Латвия Президенти Гунтис Улманис уртасида расмий учрашув маросими бўлиб ўтди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ўзбекистон расмий делегацияси аъзолари ҳамда Латвия ҳукумати аъзолари, шунингдек, хоржий дипломатия вакиллари билан ташиқлар. Шундан сунг мухташам залда икки давлат Президентлари уртасида якка-якка суҳбат бошланди. Мулоқотлар ниҳоятда қўшма ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Латвия Президенти Гунтис Улманис «Ўзбекистон

Республикаси билан Латвия Республикаси уртасида дустлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома-ни имзоладилар. Икки давлат ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Комиллов ва Валдис Биржавс эса Ўзбекистон ҳукумати билан Латвия ҳукумати уртасида транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техник соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзоладилар. Бундан ташқари, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари уртасида узаро маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасида давлат ташрифи давом этмоқда. (ЎзА).



Шаҳрихон атлас фабрикасида мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Фабрика бир маромда ишлаб, йилга табиий йирикдан 2 млн. сўмликдан ортиқ ҳажмда 8 турдаги маҳсулот тайёрламоқда. Шаҳрихон туманининг тўртта жамоа ҳўжалигда фабриканинг филиаллари ишлаб турибди. Бу филиалларда 200 киши хизмат қилмоқда. Ишчи ўринларини ва маҳсулот

ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида фабрика янги цех қурилишини бошлаган эди. Ҳозирда цехда ускуналарни пайвандаш ишлари ниҳоятга етказилмоқда. Цех ишга тушгач, 110 тонна илп илп тайёрлаш имкони пайдо бўлади. Суратда: илпор тикувчи Халича Мадаминова. Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

## САФАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

7 июнь, РИГА. (ЎзА махсус мухбири Фулом МИРЗО хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвияга сафари иккинчи кунини ҳам амалий урчушувлар, фойдали мулоқотлар билан бошлади. Эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Рига биржаси биносида Латвия ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Республикамиз раҳбари Ўзбекистоннинг иқтисодий-иқтисодий сийбати, иқтисодий салоҳияти, бозор иқтисодиётига ўтишининг иқтисодий таъминини раҳбарлар билан мулоқотларда узаро манфаатли алоқалар ишончлили ва ҳамкорлик имкониятлари хусусида сузлади. Латвиялик тадбиркорларнинг куллуб саволларига жавоб қайтарди.

Ислам Каримов Латвия Сеймига ҳам ташриф буюриб, Сейм Раиси Анатолий Горбунов билан учрашди. Узаро мулоқот чоғида икки мамлакат парламентлари уртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикрлашиб олинди. Учрашувда Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Факултодда ва мухтор элчиси Андрис Вилцанс, Латвия Сейми вакиллари, шунингдек, мамлакат парламентининг Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришни куллуб-қувват

лаш бўйича яқинда тузилган гуруҳи раҳбари Ч. Урбанович иштирок этди. Рига қургонининг давлат тантаналари залида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Латвия Президенти Гунтис Улманис журналистлар билан учрашиб, уларнинг узаро музокаралик аюқлари хусусида берган саволларига жавоб қайтардилар. Қургоннинг туғролар залида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу билан Ўзбекистон раҳбарининг Латвия Республикасида давлат ташрифи ниҳоятга етди. Шу кун Президент Ислам Каримов Рига аэропортидан Латвия Республикаси пойтахти Вильнюс шаҳрига жўнаб кетди. Рига аэропортида Президент И. Каримовни Латвия Бош вазири М. Гайлис ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

## Партия ахбороти

### ТАШКИЛИЙ ПЛЕНУМ

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилояти кенгашининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала қўрилди. Й. Суянов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят партия кенгаши биринчи қотиби вазифасидан озод этилди. Ургант туман ҳокимининг уринбосари бўлиб ишлаб келатган Р. Ш. Облоеров Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилояти кенгашининг биринчи қотиби ва ижроия бюроси аъзоси этиб сайланди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи қотиби А. Жалолов партия ташкилотларининг мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги долзарб вазифаларни хусусида нутқ сузлади. Пленум ишида Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов иштирок этди ва сузга чиқди.

## Экология ва саломатлик кунлари

### МЕҲР-ШАФҚАТ ШИОРИ ОСТИДА

«ЭКОСАН» Ўзбекистон халқаро экология ва саломатлик жамғармаси фаоллари Тошкентдаги 10-сонли болалар юкумли касалликлар шифохонасига умумий қиймати 350 минг сум турадиган тақчил дори-дармонлар ҳада этишди. Бу тадбир жамғарма ташаббуси билан республикамизда ўтказилган экология ва саломатлик кунлари доирасида амалга оширилди. «ЭКОСАН» республикамиздаги кўпгина болалар шифо муассасаларини оилалик олган бўлиб, уларни табиий жиҳозлаш ва бошқа зарур асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам кўрсатиб келади. Жамғармада ишлаб чиқилган «Болалар, экология ва саломатлик» деб аталган узоқ муддатга мулжалланган дастурда ана шу фаолият кўзда тутилган. Кейинги пайтда бу фаолият янада жадаллашмоқда. Экология ва саломатлик кунларининг тизимли мувофиқ бутун республикада хайрия тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу биринчи навбатда «ЭКОСАН» жамғармасига куллуб халқаро ташкилотлардан келиб тушаётган эгзүгли ёрдамини солиқлиқ сақлаш органларига, болалар муассасаларига, каммаж ва серфарзанд оилаларга етказиб беришдан иборатдир. Вилотлар ва туманлар марказларида хайрия концертлари уюштирилмоқда, болалар муассасалари билан урчушувлар катта қизиқш уюлмоқда. Бу урчушувларда уларга атроф-муҳитнинг ҳолати, республика минтақаларида экологик таъминотдан чиқиб йўллари хусусида ахборотлар берилмоқда. Шу кунларда «ЭКОСАН» жамғармаси ҳисобига келиб тушаётган пул маблағлари миқдори ҳам тобора ошиб бормоқда. Мисол учун «Узавтосаноат» уюшмаси республикадаги экологик муаммоларни ҳал қилишга 100 минг сум пул утказди.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

## ЎЗБЕКЖИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 6 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюталарда операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган уч урта банки иштирок этди. Сотув ҳажми 15,60 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 28,40 сум даражасида қайд

этилди. Марказий банк 1995 йил 7 июнда бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қиймидаги тижорат қийматини белгилди: — Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,40 сум. — Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,40 сум.

Қайси корхона иш юритишини янги шаклга ўтказишга, уларга муваффақиятлар ҳам кўта таъминлаш. Аммо, ҳамма ерда ҳам иш бўлиб кетгани, деб бўлмади. Халқ эътиборида янги шаклга ўтказишга бўлган ҳам сир эмас. Муаммолар гаровига тушиб қолаётган корхоналарнинг ишчилик тараққиётини таъминлаш бўлиб ўтди. Биз уларнинг қуйида ҳаққа қалмоқда бўлган ахил жамоа мулкдорларига намўна олишларини астадилар.

Ўтган йили Президентимиз гафла мустақиллигига эришиш борасида долзарб масалани уртага қўйди. Юртбошимиз катта миқдордаги гафла четдан куп сарф сароҳатлар эвазига олиб келинаётгани, ваҳолонки, республикамизда гафла мустақиллигига эришиш учун ҳамма умимиятлар яратилганлигини таъкидлади. Ушунда мамлакатимиз раҳбарининг қўрқоқчилиги бутун халқимизнинг кунлигини тоғдек кутарганидир.

Шу бос ҳам октябр ойида республика дон саноати ходимларининг семинари йилгили бўлди. Унда гафла мустақиллигига эришишда дон ирофарчилигига йул қўймаслик, уни қопсиз ташини ва саклаш боси масалалардан эканлиги алоҳида қайд қилинди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулхўшим Муталов семинара яқун ясаб, гафла уручилигини яхшилаш, уни районлаштириш мақсадида аниқ ишлар олиб борилиши, гафлакорлар меҳнатини эъзолаш, гафлага бўлган муносабатни тубдан узарга Пировадиди, шу йилнинг 1 июлига ҳадар янги иш уюшларига утиб ишларини ниҳоятга етказиш охириги муддат этиб белгиланди. Ҳуш, бу борда нималарга эришилди? Белгилан қуйилган муддатда, Қолаверса, республикамиздаги 1 миллион 355 минг гектар майдонда етиштирилган гафла урнига киринишди. Бу жорий йилда қарийб 3,5

чиқарамиз. Бу юртта асосида иш юритиб, кунига 300 килограммдан макарон ишлаб чиқаришмоқда. Махсулотларимиз сифати, шу боси туриб қолаётгани йўқ.

Уни қопсиз саклаш ва ташини бўлимида Хайдарали Дехоневни урчутиб қолдик. Ундан қопсиз ташишининг афзаллигини хусусида фикрини сурдик. — Биринчидан, деврили ишчи кучи

тунгичи бўлган бу тегирмонда аввалги 60 тонна бугдойни янчишга эришилган. Ҳозир эса бир кунда 700 тонна бугдой тегирмонда янчилиб, бугдой ермаси, олиб навли макарон уни, олиб, биринчи ва иккинчи нав уларни ишлаб чиқарилади. Корхона ҳозирда талаб-талаб асосида ишлашга утганлиги боси кунига 430-450 тонна бугдой янчилиб, истеъмолчиларга етказиб берилади. Мухими, жамоа ишчи-хизматчилари

уйлари бўлиб ўтади. Шу кунларда ана 57 хонадон учун уй қурилиши жадал давом этапти. Шунингдек, Газалент дон қабул қилиш пункти қошида кунига 150 тонна ун ишлаб чиқариладиган тегирмон қурилмоқда. У ишга тушган, тоғли ҳудуддаги кўпгина туманлар бемалол ун билан таъминланади.

— Бунда ҳар ким ўзининг меҳнатига бўлган масъулиятини ошириб, Ватанга садоқат ва муҳаббатини амалий ишлар

деминининг чиқарган Фармони шарафати билан жойлардаги ташкилотлардан 250 миллион сумлик қарзинининг ярмини ундириб олди. Фармон иш берди. Энди, уйлалмайки, тармоқдаги муаммолар ҳам уш ечинини тоғиб кетади. Шу урчида бир англикони айтмоқчиман. Илгари Қозғистон, Россия, Украина ва Венгриядан келириладиган бугдойларни тегирмонимизда янчар эдик. Энди узимизнинг деҳқонларимиз етиштирган гафлани ун қилишга киришидик. Утган йилдан чиқара бошлаган бугдой унимизининг сифати эса чиқиб эмас. Янги вақт ичида Президентимиз олдинга қўйган вазифалар турғили, албатта, узимизни-узимиз нон билан таъминлашга эришамиз. Бунга ишончим қомил. Курдикки, мустақилликка, Ватан қудратига ишонч жамоанинг ҳар бир аъзоси қилибда барқ уряпти. Ҳамма уш ишнинг устаси. Бу ерда раҳбар ишчиларга маълуми қандай берсам, деб қайғурмайди. Аксинча, муваффақиятлар эвазига уларнинг манфаатдорлигини яна ҳам ошириш умкинлигини ҳақида бос қотиради, изланади. Шу йилда тибиб-тинчилик маслиҳат раҳбарларининг кундалик юмушига айланган. Корхонадан қайтар эканман, миллий инфохор, юртга фидойилик балки шудир, деб уйга толанман. Замон билан ҳаммадан мулкчилигининг янги шаклида ишлаш орқали муваффақиятлар қозонаётган жамоа изланишлари босамар кетмапти, кетмайди ҳам. Қани энди республикамиздаги ҳар бир ҳўжалик, корхона, муассаса ва ташкилот шу аснода иш юрита.

орқали курсатади. — деди очик типдаги «Галла» акционерлик жамияти раҳбари Бахтиёр Раҳимов. — Янгида уш акцияларимизни чиқарамиз. Шунингдек, корхонада кенг миқёсда таъмирлаш ишларини олиб бориш кўзда тутилган. Йил охирида республикамиз далаларида етиштирилган гафлани ун қилиб истеъмолчиларга тула етказиб беришимиз. Муаммоларга тўхталсам, республикамиздаги унлаб туман ва ҳўжаликлар биздан ун олиб, қарларини тўлай олмапти. Ҳисобларга пул йўқ эмиш. Шу йилнинг май ойида Президенти

Эркин ЭСИРГАДНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Ислохот одимлари

### ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

нинг кераги йўқ. Автомат ускуна 8 дақиқда 8 тонна юкни машинага ортади. Деврили бир дақиқа ҳам кутиб қолмайди. Илгари бир мартовта ташини қўйиб, кунига 4 марта қў ташини янчи.

Дароқе, жамоада 357 нафар киши меҳнат қилади, уларнинг 282 нафари бевосита ишлаб чиқариш билан банд. Бу ерда ҳамма уш меҳнатига сийдирилдан ёндашди. Бирорта ҳам бекор турган кишини учрашмайсан.

Бор-йўқи уч киши ишлаймиз. 8 турдаги макарон маҳсулотини ишлаб



Иқтисодиёт

## САВДО ВА ШАРТНОМА

НАМАНГАН (мухбиримиздан). Республика хом ашё биржасининг Намангандаги шўъбасида дастлабки савдо бўлиб ўтди. Унлаб корхона, ташкилот ва ишбилармонлар узларига керакли материаллар, асбоб-ускуналар сотиб олдилар. Аини пайтда у ёки бу маҳсулотни, технология жиҳозларини етказиб бериш ва харид қилиш юзасидан қатор шартномалар имзоланди. Шаҳар ҳокимлиги биржачилар учун қулайлик яратиш мақсадида алоҳида бино ажратган. Бу ерда кургазма зали, савдолашиш ва ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ ҳўжатларни имзолаш хоналари бор. Иқтисодий ва ҳўқуқий масалалар бўйича маслаҳатхона очиб ҳам мулжалланмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

## Тадбиркорлик

### ИШБИЛАРМОН ОНАХОН

АНДИЖОН (мухбиримиздан). Ўн бир нафар фарзандни тарбиялаётган Шакармон Маматқодирова тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳам вақт топапти. У бошчилиги қилаётган «Серфарзанд» кичик корхонаси чеварлари тайёрлаётган маҳсулотлар хариддорлиги билан ажралиб туради. Ишбилармон онахон эса ҳамшира ҳаракатда. Яқинда унинг ташаббуси билан Буздаги даҳалардан бирида тонг саҳардан кеч оқшомгача ишловчи бозор барпо этилди. Мева-сабзавотлар билан бир қаторда қадокланган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, газлама, рўзгорбоп буюмлар билан савдо-қилинаётган бозорда қўрсатилмаётган хизматдан қўчилик мамнун. Шунингдек, истаган киши шинамгина чойхонада дам олиши учун ҳам шароит яратилган.

Аҳмадйилло СОЛНБЕВ.

## Пиллачилик

### ШОҲИ АТЛАСНИ ЎЙЛАБ

СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Вилотда кўп-лаб камалакранг атлас газламалар тўкиш учун замин яратилмоқда. Вилот «кумуш тола» иждокорлари 900 тонна урнига 936 тонна пилла етиштириб, режани бажардилар. Махсулотнинг 95 фоизи юқори навларга топширилди. Пиллакорларнинг бу муваффақиятига Денов, Ангор, Қизирқ туманларининг миришкорлари муносиви хисса қўшдилар. Улар хирмонни-минг тоннага етказишмоқчи.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

## Соғлом авлод учун

### МАКТАБ АКАДЕМИЯСИ

ТОШКЕНТ (вилот мухбиридан). Охангарондаги Мухимий номли 8-мактабда иқтидорли ўқувчилардан иборат ёш тадқиқотчилар билимгоҳи ташкил этилган бўлиб, «Кичик фанлар академияси» деб юритилмоқда. Мактаб академияси тадқиқотчилари ҳозир туман саноат корхоналаридан чиқайтган чиқиндилар миқдори, зарарлилик даражаси, табиат ва инсонга салбий таъсири ҳамда унинг олдини олиш, захарли чиқитларни камайтириш юзасидан илмий тақлифларни ишлаб чиқмоқдалар. Шунингдек, бўлажак олимлар экологиядан ташқари иқтисод ва табиий фанлар тарихини ҳам урганшмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ.

## Оила қувончи

### ЗУҲРА ВА ҲАСАН-ҲУСАН

ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Кўшқўпирнинг Ших қишлоғида яшовчи Султонбой Пирматов оила-сида қувончли воқеа юз берди. Хонадон бекаси Болажон Огаева бир йула уч эғизак кўрди. Ёлғиз қизи Юлдузхон энди Зуҳра ва Ҳасан-Ҳусанлардан иборат ука-сингилга эга бўлди. Эғизаклар саломатлиги яхши. Онахонга ҳамшира М. Ҳусанова билан меҳнат фахрийси Е. Отамуродова қумаклашиб туришибди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.



Холис фикр

РАМЗЛАРДАГИ МАЪНО

Мустақиллик туфайли ўз байроғу гербимиз, пулимиз, қушинимиз, элчионаларимиз, почта маркалари ва бошқа купгина нарсаларга эга бўлиб турибмиз. Менинча, мустақиллик йўлида бирон нарсани аҳамиятли ва бошқа нарсани кам аҳамиятли деб айтиб бўлмайди. Ҳар бир майда-чуйда ҳам мустақиллик учун бирдек аҳамиятли. Фашизм устидан қозонилган Галабанинг 50 йиллигига бағишланган, Ватанимиз тарихидаги илк ҳарбий параддан ўтган ҳар бир жанговар машинада, ҳар бир аскаримизнинг кийимида Ватанимиз ҳарбий белги ва нишонларининг бўлиши бу масалага мустақилликнинг муҳим белгиси, деб қаралаётганини яна бир қарра исботлайди.

Кўлимда икки дона почта конверти. Аввало, шу кунгача узимизда почта конвертлари ишлаб чиқарилмаётганини айтиб ўтишни истардим. Собик СССР вақтида улар кўлаб ишлаб чиқарилган экан, ҳар ҳолда ҳозирча кунимизга яраб турибди... Энди шу конвертларга урилган почта штемпелларига қаранг. Шу йил май ойида Хивадан юборилган Тошкент шаҳар бош почтамтида қабул қилинган, сўнг тегишли алоқа бўлимига юборилган кичик конвертда 3 та штемпель босилган. Ҳаммаси ҳам йўқ бўлиб кетганига 4 йил бўлаётган СССР деган давлат номидан. Энди Россиядан келган конверт устидан штемпелга қаранг. Аҳолисининг кўпчилиги ҳали ҳам СССРни тиклашни кўмсаётган Россияда аллақачон СССР деб ёзишни йиғиштириб қўйишган, бунга маблағ ҳам, техник имкониятлар ҳам топилган...

Марказдаги шаҳар ва вилоятлар у ёқда турсин, ҳатто Волгоград вилоятининг Камишин шаҳри каби майда ва чека аҳоли пунктларида ҳам СССР деб ёзилмас экан. Собик СССРнинг купгина бошқа жумҳурияларидан келган хатларда ҳам шу аҳволни кўрамиз.

Нега бизнинг ўз почта конвертларимиз шу кунгача чиқарилмайди? Нега почта штемпелларимизга фахр ва гурур билан «Ўзбекистон» деб ёзилмапти?

Менинг бу борадаги таклифим шундай: кирилл алифбосида эмас, янги лотин ёзувида почта штемпелларига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўядиган, штемпеллардаги бошқа ёзувларини ҳам давлат тилида (керак бўлса инглиз тилида ҳам) ёзадиган, большевикларнинг беш қиррали юлдузи ва унинг ичидаги уроқ-боғғаси бўлмаган штемпеллар чиқарадиган вақт аллақачон етди.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ, ҳуқуқшунос.

Дил изҳори

ЎНГ ҚЎЛНИНГ ПАНЖАСИ БЎЛИБ

Ўзбекми, тожикми, қирғизми, қозоқ, Туркмами, қай бирин тақдирин узоқ?! Илдири тутаган битта дарахтми, Қиш, баҳор, ёз, кўзин ё фарқи озроқ?!

Тенг бўлса беш бармоқ, бўлмади ушлаб, Тенг бўлса беш бармоқ, бўлмади мушглаб, Сиз турфа буй-бастан чўчманг зинҳор, Қовушинг бир кафтда кўнгилини хушлаб.

Бир кафтда беш панжа, жимжиқок ҳам тенг Ки кўрар Туркистон меҳрин баҳам тенг, Қаттиқ тутаганда тошни синдира, Ганим пайдо бўлса, қилур барҳам тенг.

Панжалар шу кафтда саждалар қилиб, Етгандек ниятга жаддалар қилиб, Кўёш чиққанлиги бўлур рост, тўялар Кияр эл толедан кашталар қилиб.

Ким яшар катта-ю, кенжаси бўлиб, Бирови бировин ўлжаси бўлиб, Марказий Осиё, Истиқлолни куч, Забардаст ўнг қўлнинг панжаси бўлиб.

Довуд МАЪДИЕВ, Қарши шаҳри.

Халқ айтгани ҳақ чиқар



Искандар Вафоев Самарқанд туманидаги «Мароқанд» жамоа хўжалигининг 2-бригадасида ишлабди. Бригада аъзолари уч гектар майдонда эртаги қарам еттиштирдилар. Ҳосилдорлик чўғини 350 центнердан чамалаб тури-

шди. Етилган қарамлар шаҳар аҳолисига узлуксиз жўнатилади. СУРАТДА: бригада аъзоси Искандар Вафоев. Н.Мухаммадҷонов олган сурат.

Узумдан тайёрланган шаробнинг турфа хил хусусиятлари ҳақида сўз очар эканмиз, аввало «Инсон нега май ичди?» деган саволга тўхталмиш урилди. Табиий узум шароби бошқа сарқуш этувчи ичимликлардан фарқли эластик фақат чанқовни бостириш учун эмас, балки озиқ берувчи неъмат сифатида ҳам ичилади. Бу мусалласчилик борасидаги билмонларнинг фикри... Табиий шароб истеъмол қилган одам оқсил, ёғ, кислоталарни тез ҳазм қилади. Тадқиқотларнинг натижасида, май таркибида 300 дан зиёд турли масаллиқлар — табиий ферментлар, шакар, витаминлар мавжуд, ваҳолонки, бадмаст этувчи ичимликларнинг

Мутахассис мулоҳазаси

МУСАЛЛАС ВИНО ЭМАС

танасида витаминга булган эҳтиёжни қондириш. Афсуски, йигирманчи аср бадмаст ичимликлар, чунончи арақ истеъмол қилишда ҳамма рекордларни орта қолдирди, пировардида атроф-муҳитга ҳам, инсон соғлигига ҳам зиён етди. «Араққа салом берднингми, ақинг билан хайрлашавер», «Арақнинг ўзи оқ, қилмиши қора» қабилдаги нақллар бежиз айтилмаган.

Германиядан келтирилган спирт таркибида метил спирти маъёридан ошқича эканлиги аниқланди. Италиянинг «Терминатор», Болгариянинг «Бажен» арақларни ҳам истеъмол қилиш таъсия этилмайди.

Юртимиз маданиятнинг азадий бешигидир. Ўзбекистон узи-га хос табиати ва бағри кенг халқи билан ҳаммаша фахрланиб келган. Бу дийерда узумчилик ва мусаллас тайёрлаш тарихи олис-олис асрларга бориб тақалади. Бизда ишлаб чиқарилган турфа хил шароблар жаҳон кўргазмаларида узининг муносиб ўрнини эгаллаб, юздан зиёд олтин, кумуш нишонлар билан тақдирланган. Илгари Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида шароб тайёрлаш мақсада мувофиқ эмас деб ҳисоблаб келишарди. Холбуки, «Ҳосилот», «Суюқ», «Фарҳод», «Ўзбекистон» («Кор»нинг тақомиллашган нави) каби ичимликлар ажойиб таъми билан донг таратди. Ўзбекистон кўши тафтини эмиб пишган турфа навли узумлардан тайёрланган шароблар чинакам муъжизанинг узи! Улар ҳақидаги таърифу тавсиф бир мақолада сиймайди, Афсуски, яқин ўтмишимизда инкилибозликка қарши курашиш ниқоби остида собиқ Иттифоқнинг раҳбар идоралари томонидан республикамиз тоқзорларига жиддий зарар етказилди, қўлаб жойларда серҳосил узум тоқлари қирқиб ташланди.

Шуни таъкидлаш керакки, ажойиб хусусиятларга бой булган бир қатор шаробларимиз чет элларда жуда машҳур, лекин савдо пештахталарига назар ташласангиз, ана шу шаробларимиз хориждан келтирилган махсулотлар қараганда анчайин гариб кўринишда. Холбуки, бор маҳсулотни дил билан чиroyли курсатиб билиш ҳам санъат. Масаланинг бу томони шароб тайёрлайдиган қорхоналарга боғлиқ.

Ҳайдар ЮСУПОВ, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, меҳнат фахрийси.

Акс-садо

НАТИЖА ЧИҚАРМИКИН?...

Газетамизнинг шу йил 4 май сонида сурхондарёлик муштарий З.Нормўминованинг «Қадригма йиғлайман» сарлаҳли мактуби чоп этилган эди. Хаста дил, ногирон элдошимизга матбуотнинг берган далласи бўлармикин, деб ўйлабдик... Биз Жарқўрғон тумани ҳокимидан жавоб кутганимиз. Афсу... Бизга яна Зуҳра Нормўминованинг мактуби келди...

Очиги, илгариги мактубимни газетада чиқадими, йўқми, деб иккиланиб ёзган эдим. Қарангки, газетанинг 4 май сонида босилиб чиқибди. Таҳририятга чин ороқдан раҳматлар айтаман. Торморқа беришмасан ҳам, дунё олгандай хурсанд бўлдим.

Мақола чиққач, уч кундан кейин туман ҳокими Турдиевнинг қабулига киришга жазм қилдим. Соат 7.30 ларда борган бўлсам, 8.30 да ҳоким келди. Мен «муқиминми», дея кириб бордим. Саломимга алик йўқ. Жавоб бундай бўлди: «Нимага келдинг? Мен ер сўраб ёзган аризамни узатдим. Аризамни бердим, баалога қолдим. «Нима учун бесуроқ кирдинг, нима учун мен ер берар эканман? Нима учун сен мендан ер сўрайсан, нима мен сенга ер улчайдиган асосимми...» Хуллас, «нима учун»лардан каллам гувуллаб қолди. Сўнг «Идорадан чиқ, сенга ер-пер берилмайди, бу тушингни сувга айт», деб хизмат хонасидан ҳайдаб солди.

Яна сизларга ёзганман. Хурматли таҳририят, шу дейман, мен ёзаверсам, сизлар чоп этавсангизлар, бирон-бир натижа булармикан?

Зуҳра НОРМУМИНОВА, Жарқўрғон туманидаги Норман Боймуродов номи жамоа хўжалиги II гуруҳ ногирони.

МУШТАРИЙ:

...миннатдорчилик билдиради

ХУСАНДАН ХУРСАНДМИЗ

Биз ҳар кун тонг саҳарлаб трамвайга чиқишга урганганмиз. Албатта, бундай соатларда ҳар ким ҳар хил ҳолатда бўлади. Зеро, моҳир хайдовчи, узининг етти рақамли 2445 русумли «поезд»ини шундай усталик билан бошқарадики, ҳузур қилиб манзилга етганимизни билмай қоламиз. У йўловчилар билан хушмуомалада бўлишни урнига қўяди. Бекатларда ҳар бир одам трам-

вайга чиқмагунча кўзғолмай туради. Кейин йўлингиз бехатар, манзилингиз яқин бўлсин деб, трамвайни жириглабди-ю, равон кўзғолиб, тезликни оширади. Муддаомиз, қани энди Тошкент кўчаларида ана шундай Хусан Равшанов каби трамвай хайдовчилар кўпроқ бўлса деймиз.

ЧЕРДИНЦОВА, ЧЕРНОВЕКАЯ, МЕДВЕДОВА, АҲМЕДОВ, ШУКУРОВА, АЛИЕВА ва бошқалар.

...савол беради

БУ ЁҒИ НИМА БЎЛАДИ?

Мен Янгийул туманининг Шуралисой қишлоқ кенгашига қарашли «4-ГЭС» бўлимида яшайман. Ешим 72 да. Уруш йиллари Оржоникидзе туманидаги Дурмон қишлоғида туриб, Оржоникидзе номи колхозда меҳнат қилдим. Оддий колхозчи бўлдим. Кейин Катта Фарғона, Бузсув ва Пискент каналларининг қазилишида қатнашдим. Хизматчилар урушга кетиб ёзув-чизув ишлари менга қолди. Колхоз идорасида котиб, табелчи бўлдим. Ҳисоб-китоб ишларини ҳам бажаришга тўғри келган. Истиқлол замони ке-

либ, фронтда ва фронт ортида меҳнат қилганларга турли имтиёзлар берилмоқда. Мен ҳам туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилдим, лекин: «Меҳнат дафтарчангизда йўқ экан, сизга бирор ёрдам беролмаймиз», деган жавоб бўлди. Ваҳолонки, уша даврда колхозда меҳнат дафтарчаси бўлмаган. Лекин мени билган ва мен билан ишлаган кишилар имзо чеккан гувоҳнома бор. Шу ҳужжат асосида нафақа олиб турибман. Бу ёғи нима бўлади, билмадим?

Мунира ГАДИЕВА.

...хабар беради

ШИФОБАХШ СУВ

Тулқинжон Иноқов Андижон тиббиёт институтининг доценти. У Асака туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигига қарашли Қанд қишлоғидаги уйда 1992 йилда сув чиқариш мақсадида қудуқ қовлаб, шифобахш чашмага дуч келди. Тулқинжон сув таркибини текширтириш учун Тошкентдаги Семашко номи соғломлаштириш ва тикланиш илмий-тадқиқот институтига мурожаат қилди. Маълум бўлишича, сув таркибида 12 хил шифобахш маъдан

бор экан. Хусусан, ошқозон-ичак, таносил, бугма, қичима, юрак-томир каби хасталикларга даво бўлмоқда. Қизиги шундаки, нафаси қисилмаган киши сув чиққан жойни бир соат айланса дардига даво топаркан.

Яқинда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу сувдан фойдаланишга рўхсат берди. Ҳозир Андижон тиббиёт институти олимлари кунига минг дона шишага сув қуйиб, савдога чиқармоқдалар.

Ёқубжон ТОШПҮЛАТОВ.

... танқид қилади

ИМТИЁЗИМДАН ФОЙДАЛАНА ОЛМАЁТИРМАН

Ёшим 73 да. Иккинчи гуруҳ уруш ногирони-ман. Дардинг қайси тури десангиз деярли ҳаммаси менда топилади. Бундай деярлиганининг боси шундаки, дорисиз яшай олмаймаман. Духтирлар имтиёзли рецепт ёзиб беришади. Лекин ҳали шу пайтгача бирорта дорихонадан имтиёзли дори ологаним йўқ. Ваҳолонки, республика дорихоналар идораси бошлиғи ҳам, соғлиқни сақлаш вазирининг муовини ҳам ойнаи жаҳонда сузга чиқиб, дорихона кимга қарашли бўлишидан қатъи назар имтиёзли ре-

цептга дори бериши шарт дейишганди. Афсуски, дорихонадаги ходимлар буни инобатга олишмаптир. Утган йили менга ёзиб берилган 30 дан ортик рецептга бирорта ҳам дори ологаним йўқ. Ёлгон бўлмасин шу йилнинг март ойида 3 та рецептдан биттасига марказий дорихона ходимлари икки пачка АТФ беришди ҳолос.

С.ШЕРМАТОВ, Тошкент шаҳри, Миробод тумани Ефимов кўчаси, 41-уй.

САМАРҚАНД "КИНАП" ИЧБ

Advertisement for 'KINAP' audio equipment. It features an image of a speaker and text describing various audio equipment like conference halls, sports stadiums, and radio equipment. Contact information: 3662/24-08-73, 24-23-97, fax 31-12-33.

Advertisement for 'PROFIL ENTERPRISE' featuring 'Tetley light' tea bags. It includes an image of a teacup and text describing the product as 25 decaffeinated tea bags. Contact information: 34-10-01, 35-07-80.

Advertisement for 'ТУРОН' (Turon) technical company. It features an image of a printer and text describing technical services and equipment. Contact information: (3712) 44-59-55, (3712) 44-55-12.

Қарор ва ижро ХАЙРЛИ ИШЛАР

Пайарик туманида кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам курсатиш борасида бирмунча ишлар қилинаётир. Туман, ҳужалик ва ташкилот раҳбарлари жойларда бўлишиб, бу борадаги қарорнинг аҳамияти ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб,

камхарж оилаларга ёрдам курсатмоқдалар. Яқинда «Халқобод» ижара хўжалигидаги ана шундай 18 оилага 200 килограмдан бугдой, 100 сумдан моддий кумақ берилди. «Ўзбекистон» ширкатлар уюшмасидаги олти оилага эса туман ҳокимлиги томонидан 100-150 сумдан туман берилади, ҳужалик раҳбарияти ҳам моддий ёрдам курсатди. Бундай хайрли ишлардан одамлар миннатдор.

Яллабой НУРИДИНОВ.

Advertisement for 'Ўзбекистон - Ҳиндистон' (Uzbekistan - Hindistan) firm. It features an image of a teapot and text describing services for tea and other products. Contact information: 34-10-01, 35-07-80.

Advertisement for '«БУРЧ»' (Burch) concrete and construction services. It features an image of a concrete mixer and text describing various construction services. Contact information: 62-13-87, 44-47-20, 44-48-20.

Саид АХМАД — 75 ёшда

Узоқ йиллар саҳналарда юрган таниқли санъаткорлар, кўплаб китоблари нашр этилган ижодкорлар, ҳатто «халқ эъзувчиси» унвони билан тақдирланган адиблар ҳам чин маънода эл ардоғига, халқ меҳрига сазовор бўлмадиларки мумкин. Ижодкор сифатида катта-кичик давраларда, йиғинларда ном қозониб, муҳим минбарларга интилиш ёки давраларнинг турида утириш билан ҳам ушбу масалани ечиб бўлмайди. Аслида теран ва етук ижодкор, тўғрироғи, санъаткор сифатида халқ қалбига кириш, халқ қалбидан урин олиш чинакам бахтир. Машҳур эъзувчимиз Саид Аҳмад ака ана шундай улкан бахтга муяссар бўлганлардан. «Машҳур» сўзини бежиз ёзмадим. Машҳурлик ҳам Саид Аҳмад акага жуда-жуда ярашади. Устоимиз Неймат Аминов тўғри эътироф этганларидек: «Шу кунларда халқ орасида нафақат ҳикоя, қисса, роман ва комедиялари билан, балки у ёки бу қилиги, сузи, ҳозиржавоблиги билан машҳурликда Саид Аҳмадга етари бўлмаса керак. Бу билан у кишини бошқалардан устун қўймоқчи эмасман. Лекин бу бор ҳақиқат. Машҳурлик—талантлилик белгиси».

Шу кунларда узининг кўп-кўп 75 ёшлик тўйини нишонлаётган Саид Аҳмаднинг ижод мактаби ҳақиқий талант дарсларидан иборат. Унинг ҳар бир асари китобхон юрагини гоҳ утти дардларга, гоҳ эҳтиросли кулгиларга тўлдирадиган ҳақиқий истеъдод билан ёзилган. Шу боис ҳам адибнинг асарлари кўлма-қўл бўлиб ўқилади, сатирик ҳангомалари тилдан-тилга кўчиб юради, комедиялари севиб томоша қилинади. Биргина «Келинлар кузғолони» спектакли фақат Саид Аҳмаднинг эмас, балки ўзбек театр санъати

шуҳратини жаҳонга ёйди, десак муболага бўлмайди. Ушбу комедиянинг саҳналаштирилганига 20 йил бўлади. Лекин асарнинг саҳнага чиқиш жараёни осон кечгани йўқ. Одатдагидек, қатор «изм»-ларни байроқ қилиб олган бир гуруҳ театршунослар ва театр танқидчилари «Келинлар кузғолони»га қарши жиддий «кузғолон» қилишга уриниб қурдилар. Лекин танқид «кузғолони»дан кўра томошабин эътирофи, олқиши устун келди. Режиссёр Баҳодир Йулдошев билан драматург Саид Аҳмад талантининг кучи намойён бўлди. Ўзбек театр та-

Комилов ижодининг янги қирралари очилди. Энг муҳими, «Уфқ»ни томошабин катта мамнуният билан қабул қилди. Айни пайтда маданий ҳаётимизда воқеа бўлган ушбу спектакль театр жамоасининг адиб тўйига атаган муносиб совғаси ҳамдир.

Хаёлан Саид Аҳмад акани жаҳоннинг бирор бир машҳур эъзувчисига қиёслагим келди. Уйлаб қарасам, Саид Аҳмад ака фақат узига ўхшар экан. Адаб-бейтимизда Саид Аҳмаддек серқирра, сермазмун, сержило асарлар яратган эъзувчини топиш қийин.

Саид Аҳмад — жушқин публицист, машҳур ҳажвчи, тили қайроқ сатирик, хуллас, «тирик Афанди».

Саид Аҳмад — шоғирдларвар ва меҳрибон устоз: Улмас Умарбеков, Носир Фозилов, Уткир Хошимов, Неймат Аминов, Йулдош Сулаймон, Анвар Обиджон сингари истеъдодларнинг бошини силлаган, Мурод Муҳаммад Дуст, Эркин Аъзам, Хайридин Султон, Тоғай Мурод ижодларини меҳр билан кузатиб, мардларча ширинсуз айтиб келадди.

Саид Аҳмад — «Оз сўз—соз сўз» мақолига доим амал қиладиган шафқатсиз ҳозиржавоб. Ҳатто жонажон шоғирдиларини ҳам аямайди. Айниқса, Носир Фозиловни. Лекин Неймат Аминов билан Анвар Обиджондан бироз чўчийди, деган миш-мишлар бор. Яна худо билади.

Саид Аҳмад — кудлиради, кудлириб куйдиради.

Саид Аҳмад... Э, кечирасиз, қолгани—Дурмондаги Эъзувчилар боғида бўлган турфа воқеалар, ҳангомалар...

Хуллас, оддий муҳлис сифатида Саид Аҳмад аканинг ижодини доимо ўқиб, урганиб бораман. Қандай қилиб халқона ва халқчил асарлар яратиш сирларини билишга интиламан. Айниқса, адибнинг Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Саида Зуннунова ҳақидаги хотиралари мунгли ва дардли қўшиқдай ўқилади, юрагининг бир парчасини олиб олгандай бўлади. Унинг маъзур хотиралари жанр сифатида адабиётимизда катта аҳамият бўлди, бадий асарлари каби кўлма-қўл бўлиб ўқилади.

Саид Аҳмаднинг узига хос аjoyиб ва бетакрор ижод мактабидан ҳали қанча-қанча авлодларнинг сабоқ олишларига, унинг ижод сирларидан баҳраманд бўлишларига асло шубҳа йўқ. Чунки, Ўзбекистон халқ эъзувчиси Саид Аҳмаднинг ижоди ҳамisha чакмоқ сўз бўлиб порлайди, нур сочади.

Ашуралӣ ЖҰРАЕВ.

ЧАҚМОҚ СЎЗ

рихида бу қадар уйналган ва бу қадар машҳур бўлган комедияни топиш қийин. Спектаклдаги Фармон биби сиймосини юксак маҳорат билан яратган марҳум санъаткор Зайнаб Садриева шубҳасиз ўзбек театр тарихидан урин олган «олтин роллар»дан бирини ижро этиб томошабинлар қалбидан мангу урин олди...

Шу кунларда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри репертуари Саид Аҳмаднинг яна бир саҳна асари — «Уфқ» драмаси билан бойиди. Адибнинг «Уфқ» трилогияси аллақачон китобхонларнинг сеvimли асарига айланган. Бу асар асосида бадий фильм суратга олинган. Фашизм устидан қозонилган Галабанинг 50 йиллигига атаб Саид Аҳмад «Уфқ»нинг саҳна вариантыни яратди. Спектаклни таниқли режиссёр Олимжон Салимов саҳналаштирди. Спектаклда аjoyиб образлар яратган таниқли актёрлар Ёқуб Аҳмедов, Пулат Саидқосимов, Тўти Юсупова, Римма Аҳмедова, Эркин

атамаган.

Яна бир таниқли адиб Асқад Мухтор шундай деб ёзади: «Саид Аҳмаднинг доим табиий, инсоний ҳиссиётларга тула, ортиқча безаксиз, нафис лирик ва юмористик оқимлар билан эшилиб келадиган бой насри ҳамisha алоҳида ажралиб туради...»

Саид Аҳмад узининг ниҳоятда табиий, халқона, бой, ширали тилига, руҳият, бадият ва ҳақиқий мантиқига ҳамisha мувофиқ, чўқур лирика ва дилкаш юмор билан сугорилган тилига роман ва пьесаларида, ҳикоя, фелетон ва ҳатто ҳажвий миниатюраларида ҳар доим содиқ бўлиб келди. Тил маҳоратининг биринчи уринга чиқиши, балки Саид Аҳмад истеъдодининг энг қимматли фазилатларидан биридир.

Саид Аҳмад ҳаёти ва ижоди қатор муҳим жиҳатлари ва гузал фазилатлари билан биз ўшларга урناк ва ибрат була олади.

Саид Аҳмад — минглаб китобхоналарни ҳаяжонга солган



СУРАТДА: Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова ҳамкасблари билан.

Носир ФОЗИЛОВ  
ҲАМИША ХАЛҚ ОРАСИДА

**УЧҚҰРҒОН**

Водий бўйлаб сафаримизнинг охириги нуқтаси Учқурғон бўлди.

Мен кўп улуг кишилар билан сафарда бўлганман, Саид Аҳмад акадаки хушчакчақ, ҳазил-хаш, ҳозиржавоб, керак бўлса хушпа-хундузи кап-катта одамни лақиллатадиган, ҳабиҳулмалхига устасини кам уратганман. Тўғри, раҳматлик Гафур Гуломга етдигани йўқ эди бу соҳада. Аммо у киши ҳозир ормиша йўқ. Ҳаммадан ҳам хайрон қолдирадигани шуки, Саид акани бир ҳафталик сафаримиз давомида: «Ух, чарчадим» деб ногитанини эшитмадим. Қайтганга у кишининг атрофида юрган бизлар чарчаб шалвайиб қолдик.

Учқурғон аҳли марказдаги муҳташам клубга туланишимиз: «Қани, бу шойрабачалар нима деркин?» деб оғзимизни пойлаб туришибди. Ингизни шу ердик бир амалдор ута расмий гаплар билан очганидан сўнг гални Умаралига берди. Умарали

ли ҳам оқсоқолимиз ҳақидаги адабиёт аҳлига маълум ва машҳур гапларни айтиб булғач, Худойберди зални бироз жонланттирди. Ва ниҳоят каминанга сўз берилди. Мен ҳам ҳаммага маълум гапларни айтиб бўлиб, сузимнинг сунтида:

— Устозни бир ҳафтадан бери водий бўйлаб туй бола қилиб айлантириб юртимиз, — дедим узимни чарчаган қилиб кўрсатиб.

— Мана, Худойберди ҳам, Неймат ҳам, Умарали ҳам, мен ҳам чарчаб қолдик. Ваҳоланки, бизлар оқсоқолдан ун-ун беш еш кичикчимиз. Бу чили тупмагур чарчаш нималигини билмайди. Шундан кейин жаҳлимиз чиқиб кетиб: «Бу чолни сизларнинг юртингизга олиб келиб, бир оналарини Учқурғондан кўрсатинг, деб қас қилган эдик. Йўқ, чарчамайди! Мана қаранглар, худди арчылмаган болрингдай дилинглаб турибди. Қайтганга узимиз онамизни Учқурғондан кўриб қолдик».

Қарасаклар қийқириқча, қийқириқлар қарасакка айланиб кетди. Ана энди оқсоқолимиз таътайташларини курсангиз. Тўғри-да, мак-

тов кимга ёқмайди дейсан!

**ХУМОРБОСДИ**

Дурмон оромгоҳи шунақа жаннатмакон жойки, бир марта ҳордиқ олган одам тагин бир келсам, деб орзу қилади. Баъзи эъзувчи, шойр, мунаққилларимиз қипингизин уша ерда. Азиз Абдуразақов, Сайер, Исоқ, Уктам, Шужур Холмирзалар бу боғни узлариники қилиб олмишган. Шу ерда яшашди, шу ерда ижод қилишди, шу ерда дам олишди. Ижодий мулоқотлар ҳам шу ерда, ичак узли гурунлар ҳам шу ерда.

Баъзан бун ш пайтларида Саид Аҳмад ака ҳам уларнинг олдиларига чиқиб гап бериб туради, баъзан эса улар устознинг олдида келишди, боғнинг яшил хиебониде сайр қилишди, қизиқ-қизик ҳангомаларни айтишиб роса мириқишди.

Азиз уртоғимиз доно гапларни гапиришни, иложи бўлса оқсоқол бўлиб маслаҳат беришни яхши кўради. Шунинг учун бўлса керак, турки-тароватим гапимга мос келсин деб бемавруд соқол қўйиб юборди: энгиде оппоқ арабий ридо, бошида туқилган оқ дўппи, лабида «Астра» сigaretи-

ю, оғзи тула дуо...

Ҳа, айтгандай, сigaretа хусусида: боя айтганимиздай Азиз уртоғимиз кўнига бўлмаса ҳам кўнора Саид Аҳмад ака билан гурунглашиб, боғ айланиб, ҳордиқ чиқаради. Саид ака сайр пайтларида хуморни тутса ҳам Азизнинг олдида сigaretа чекмайлиган бўлиб қолибди. Негакки, акаимиз чунтагидан сigaretасини олди дегунча, Азиз уртоғимиз: «Битта чектиринг, ака?» — деб кўлини чўзгани-чўзган экан. Бермаса бўлмайди, кўриб турибди. Берса, узингиз биласиз, сigaretе топилайдиган матоҳга айланган, топила ҳам фалон пул.

Ана шундай сайрлардан бирида Саид ака Азизнинг олдида бемалол чекишининг иложини уйлаб топибди. Қандай қилиб дейсизми? Эшитинг: бир кўни одалтагидай хиебонда айланиб юрганларида Саид аканинг жуда-жуда чекисни келиб қолибди. Чунтагидан сigaretасини олса, албатта Азиз кўлини чўзади. Шунда устоз Азиздан меҳрибонона бир оҳангда сўрабди:

— Азиз, сigaretетинг борми?

Азиз ҳайрон бўлиб Саид акага қарабди. Қараса жиддиймиш. «Мендан ҳам сigaretе сўрайдиган одам бор экан-ку», деб хурсанд бўлиб чунтагидан пақасаси эзилб, лаб-лунжи йиртилган, балбўй «Астра» сigaretетини олиб марҳамат қилибди.

— Олинг, устоз.

— Раҳмат, кўрдим, — дебди Саид ака хотиржам. — Бор экан. Энди узимникини чексам майлими?

Азиз нима дейишини билмай «қик» деб кулибди. Саид ака эса узининг «Палл Малл» деган паос сigaretасини тутатиб, хуморини босибди...

**КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ВА ИШБИПАРМОН ТАДБИРКОРЛАР** **ДИҚҚАТ!**

ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
МАРГАРИН МАҲСУЛОТЛАРИНИ  
**СОТАДИ**

Маргарин таркибида пахта ёғи, сув, суг, суг зардоби, шакар ва тузлар мавжуд.

Маргаринларимиз — витаминларга бой ва тўйимлидир.

**МАРГАРИН ТУРЛАРИ:** **ЎТЛИ ҲАМДА ЎТСИЗ МАРГАРИН.** "Саломатлик", "Парҳез" маргарини.

"Саломатлик" маргарини холецестин ҳамда ошқозон-ичак касаллиги билан оғриган беморлар учун шифобахшдир.

"Парҳез" маргарини эса қандли диабет касаллигини даволашда жуда фойдали.

**Уларнинг ҳазм бўлиши осон.**

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчаси, 47-уй.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар энг олий сифатли маргаринларни бизнинг ҳиссадорлик жамиятимиздан пул ўтказиш йўли билан **СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.**

**Мурожаат учун телефонлар:** (3712) 96-57-02, 96-53-81, 96-54-81. Факс: 96-65-10.

**ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ.**

**ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!**

**"Демир"** фирмаси

Сизларни халқ эҳтиёжи молларининг навбатдаги шоу-кўргазмасига

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Кўргазма "Ўзэкспомарказ" билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Кўргазма ҳар кuni соат 11.00 дан иш бошлайди ва 10 июнга қадар давом этади.

**Манзилимиз:** Мурожаат учун телефонлар: 33-06-00, 56-57-04. Пахтачилик бўлими.

**БИЗ СИЗЛАР УЧУН ИШЛАЙМИЗ!**

**ДИ** FİRMA DEMİR

**ТАШКИЛОТ**

Тошкент шаҳридаги омбордан сизгимо 50 кг. ли полипропилен қопларни пул ўтказиш йўли билан **СОТАДИ.**

Телефонлар: 44-22-13, 44-31-36.

**ИНСОНИЙЛИК ВА ИЛОҲИЙЛИК МУТАФАККИРИ**

9 июнь кuni Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази ташаббуси билан Даҳбед қўргониде XV-XVI асрларда яшаб ижоб этган забардаст олим Сайиди Аҳмад ибн Жалолиддин Хожаги Косоний (Маҳдуми Аъзам)нинг ижоди ва ижтимоий, маърифий, маънавий фаолиятига бағишланган илмий анжуман уз ишини бошлайди.

У тариқат илмининг йирик намояндаси, Нақшбандийликнинг туркий қавмлар орасиде кенг ёйилишига ва амалий кучга айланишида ҳал қилувчи роль уйнаган пиру-муршид, нозик табиатли файласуф, фақиҳ, барча туркий элларда маълумо машҳур бўлган илоҳиётчи ва илму ҳол соҳибиди.

Мутафаккирининг кишиларни меҳнат ва хунарга, илм ва маърифатга даъват этувчи пандомалари ханузгача уз қийматини йўқотмаган. Олам, инсон ва илоҳиётнинг сир асрорларидан баҳо этувчи фалсафий рисолалари, мўмин ва мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга, шарият қоидаларини, ҳадисларни тушунтиришга бағишланган асарлари мазмунининг теранлиги, инсоний кадр-қимматини, илоҳий муқаддасликни чуқур ва моҳир ифодалай олганилиги билан ҳозирги кун тадқиқотчиларини ҳам ҳайратга солмоқда.

**МАХДУМИ АЪЗАМ ҲИҚМАТЛАРИДАН**

Инсоннинг аъзафаси — у учун яратилган тириклик олами авайлаб асрашдан, уни келгувси авлодлар учун сақлаб қолиш ва гуллатиб яшнатишдан иборатдир...

xxx

Санъат — инсонийликнинг илоҳийлашуви ва илоҳийликнинг инсонийлашувидир.

xxx

Ҳато йулдан юргувчи муршидинг гуноҳлари уни тўғри йулга ундай олмаган муршидинг буйнидир.

**Бахтйёр ТҰРАЕВ.**

Шайхонтоҳур туман ташки иқтисодий «Омад-1» фирмаси 1 июндан **ТУГАТИЛАДИ**

Барча даъволар 1 ой давомида 78-49-08 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

Таҳрир ҳайъати:  
Абдулла ОРИНОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслидин БОЛИЕВ (масъул котиб), Исом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖҰРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шўҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир уринбосари).

• Рўйхатдан ўттиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А-2 форматиде босилади. • Ҳажми 2 босма табак. • Г -- 0238, 44126 нурхадде босилади.

**БҰЛИМЛАР:**

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35. Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19. Иқтисодий — 33-21-43, 36-57-22. Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.

Ҳатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06. Аҳборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16. Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16. Рекламе ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

**ВИЛОЯТ МУХБИРАЛАРИ:**

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-34-87; Гўлистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Намангонда -- 3-75-43; Павлоғонда -- 6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 3-22-90; Тошкентда -- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қўнғўртда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир **Н. ШАКАРОВ**, навбатчи **Х. ЭРМАТОВ**.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КҰЧАСИ, 32-УЙ.